

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ЖАМҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 15 ноябр чоршанба  
Сотувда эркин нархда № 229 (2526)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI



## Юз фоизи хорижга



Тойлоқ туманидаги масъуляти чекланган «Истиқлол» корхонасида харидоригар озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришмоқда, унда олма, беҳи, болгар қалампир, кўкатлар, боймжон, пиёз сингари маҳсулотлар қуритилади ва уларнинг юз фоизи хорижга экспорт қилинмоқда.

Яқинда корхонада ошқовоқни қуритиш йўлга қўйилди. Бу эса корхона фаолияти-

ни янада кенгайтди.

**СУРАТЛАРДА:** чилангар Аҳмад Гойинов; ишчилар Нодира Аҳматова ва Замира Аминова иш пайтида; (чапдан) корхона бош муҳандиси Андрей Осипов ва бош технолог Озод Искандаров.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

## ИНТИЛИШ — ЮКСАЛИШ ГАРОВИ

Башариат бешиги бўлиши қадим цивилизация марказлари ўртасидаги алоқалар турли минтақадаги халқларнинг савдо ва маданий муносабатлари ривожига асос бўлган. Хусусан, инсоният тараққиётида ўзига хос ўринга эга бўлган Мовароуннаҳр билан Рим империяси асрлар давомида турли соҳаларда ҳамкорлик қилиб келган. Тарихдан маълумки, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган давлатлар қудратли савдо империялари сифатида бутун жаҳонга донг таратган. Карвон йўллари, жумладан, Буюк ипак йўли орқали амалга оширилган бу алоқалар қадим цивилизациянинг икки маркази ўртаси-

даги муносабатларнинг асоси бўлиб хизмат қилган. Бундан йигирма асрдан кўпроқ вақт аввал қудратли Кушон ва Рим империялари ўртасида қуруқлик ва денгиз орқали савдо-сотиқ амалга оширилгани тарих саҳифаларида ўз ўрнини топган. Ўзбекистоннинг кўҳна шаҳарларида олиб борилган археологик қазинмалар вақтида Рим императорлари Нерон ва Константин Биринчи номи билан зарб этилган тангалар топилган. Термиз яқинидаги Кампиртепадан топилган, эрмишдан аввалги иккинчи асрга мансуб папирусга туширилган қўлёзмада Рим ва Кушон ўртасидаги алоқалар анча қалин бўлганидан дарак беради.

(Давоми 2-бетда).

## Сархисоб: тахлиллар нимани кўрсатди?

## Бугунги муваффақиятларимиз

назорат изчиллигига, фаолиятимиздаги янгирақ ёндашувга ҳам боғлиқ, — дейди Фарғона вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Юсупжон АБДУКАРИМОВ

— Нафақат Ўрта Осиёда, балки Ўқин Шарқ мамлакатларида ҳам Фарғона деҳқонлари, айниқса, пахтакорларнинг номи ўзбек пахтачилик тарихи билан чамбарчас боғланиб кетганини кўпчилик яхши билади, — деб гап бошлади ҳамсуҳбатимиз. — Ахир олис Араб мамлакатларида, Ганжавий юрти Озарбойжонда, Афғонистону Ироқда, ҳатто Уммон орти давлати Кубада ҳам деҳқончилик сир-асрорларини ўртатган омилкорлар неча сўнгги йилларда ўз шон-шухратларини, имкониятларини бой бериб қўйишди? Бир йил эмас, қаторасига тўрт йил мобайнида пахта тайёрлаш режалари муттасил бажарилмай қолди. Бундай саволлар нафақат деҳқонларни, агроноат комплексни билан боғлиқ раҳбарларни, мутахассисларни, биз ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларини ҳам ўйланишга мажбур қилди.

(Давоми 2-бетда).

Фавқулодда вазиятлар вазирлигида "Оммавий қирғин қуролини қўллаш билан боғлиқ фавқулодда ҳолатларни тартибга солиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш" мавзусида халқаро семинар ўз ишینی бошлади. Ушбу анжумани Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан АҚШ давлат департаменти билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

## Халқаро семинар

Семинар Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлиги раҳбари Е.Қосимов очди. Таъкидланганидек, ушбу семинарлар қўлланган мақсад терроризм томонидан оммавий қирғин қуролининг қўлланишига қўл қўйишга ҳавфга нисбатан Ўзбекистон ва АҚШ ҳуқуқлари ўртасидаги амалий муносабатларни мустақамлашдан иборатдир. Бунинг учун террорчилик ҳаракати содир бўлиши мумкинлиги ҳақидаги хабарни етказиш жараёни ва фавқулодда ҳолатларда ҳаракат қилиш режаси, шунингдек, террорчилик ҳаракатлари оқибатларини бартараф этиш шартлари ишлаб чиқиши лозим.

Уч кунлик семинар давомида унинг иштирокчилари оммавий қирғин қуролининг қўлланишига қўл қўйишга қарши фавқулодда ҳолатларга тезкорлик билан жавоб қайтариш усулларини муҳокама қилди, мамлакат вазирликлари ва идоралари террорчилик ҳаракатларига жавобан қабул қилиши мумкин бўлган қарорлар ва қўллаши мумкин бўлган чораларни ўрганиб чиқди. Семинарда Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жон Эдвард Хербет иштирок этди.

Т. БОТИРБЕКОВ, ЎзА мухбири.

## Халқ ҳукми

### Мундо сабат Орамизда ўрин йўқ

«Прокуратура айбонмасини» юраги тепиб турган одам борки, берақ ёки лоқайд ҳолатда ўқибмайди. Унинг ҳақто айрим айтили ва аламли жойларнинг тағти чишиб қўйди. Тоҳир Йўлдошев, Жумабой Ҳожиёв, Сайал Мамаминов ҳамда уларнинг шайхлари бўлган Мурадшариф Қозиев, Ҳомиджон Раҳмон, Шайхат Каримов, Йўлдош Умаров каби ватанфурушларнинг қилган ваҳийликлари йўлсам, танам музаб кетди. Бунчалик ваҳийликлари йўлсам, бунчалик конқурлики қаёқдан ўргана қолмайдик. Ахир уларни ҳам одам боласи, она туққан эмасми? Олий судда улар устидан очиқ суд ўтказилаётганини ОАВ орқали кўриб, ўқиб бораёямиз. Мустақил давлатимизга раҳна солмоқчи бўлган бундай Ватан хоинлари орамизда ўрин йўқ, деб ҳисоблаймиз. Биз уруш фахрийлари бундай ватанфурушларнинг қилмишлари энг олий жазага лойиқ, деб ўйлаймиз. Тинч ҳамада ҳалол меҳнати билан мустақил давлатимиз пойдеворини мустақамлаш учун курашаётган халққа қўла қўтарган, ўз элининг даянати учраган қимсаларнинг қисмати ана шундай бўлиши шубҳасиз. Бунга ҳамма англаб етмоғи, ҳулоса чиқармоғи керак.

Жўрбой Болтабоев, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Фарғона вилояти, Богдоод шаҳарчиси.

## Виждон ва иймонга хиёнат

Судланаётган қимсалар бизнинг муқаддас турроғимизда туғилганига қийининг ишонгани келмайди. Улар нон-тузимини еб, узайган чоғида Ватани, ота-ониси, виждон ва иймонига хиёнат қилган гафимелардир. Улар чиндан ҳам халқ қарнишига дучор бўлишлар. Халқ қарниши эса ота-онанинг дуои балдан ҳам ўткирроқ тавқи лаянат ҳисобланади. Биз истиқомат қилаётган Бахмал тумани қўшини Тожикистон билан чегарадош. Сарҳадларимизни мард аскарларимиз кечая қулдуз қўриқлаб туршибди. Лекин ҳаммамиз, энг аввало, ўзимизнинг орамиздан чиққан, қайсидаги хилватхоналарда изгиб-нирсирб юрган қимсалардан огоҳ бўлишимиз керак. Тинч ва оёқошиша турмушимизни кўра ол-

маган, она юртига қора ниёт билан қурол кўтариб кирган ватандоғларга ҳеч қачон шафқат кўрсатилмаслиги керак, деб ҳисоблаймиз.

Ш.Қўлиёв, Гулбулоқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

Э.Аҳмедов, Бахмал тумани «Агротехнический» ҳиссосдорлик жамияти раиси.

М.Абдуразақов, «Наврўз» халққорой хайрия жағирмаси Бахмал тумани бўлими раиси.

А.Халирқулов, «Қўшчино» қишлоқ хўжалиги ширкати раиси.

Б.Зарипов, 5-механизацияланган кўча калони бошлиғи.

## Мамлакатимизда

### «Сомет» «Антекс» шухратини оширмоқда

Шаҳрихондаги «Антекс» тўқимачилик мажмуасида газлама ишлаб чиқаришга киришилди. Итаниянинг «Сомет» фирмаси томонидан тайёрланган тўқма дастхоналари энг уч метр 60 сантиметрдан иборат газламаларни ишлаб чиқариш имконини берди. Маълумки, бу шайхонда газламалар ўзининг нишиқлиги, тўқимачилик ишчи соҳасидаги корхоналар учун қўлайлиги билан ажралиб туради. Шунинг эътиборини, мажмуат сифати компьютерлар ёрдамида аниқламоқда. Шу бовсе, Шаҳрихон газламаси ҳозирда ошқовоқ хорижга харидорлар эътиборини ўзига қаратди.

### Ўрмончилар ишга киришди

Сирард вилоятида ўрмонзор ва саноатбон дарактзорлар барпо этишга жиддий киришилди. Шу маънода 4,4 миллион туп меваги ва манзарали даракт қўчатлари экилади, 700 гектарда саноатбон терак ва бошқа тез ўсувчи ётоқбон дарактзорлар барпо этилади, — деди вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси бошлиғи Эшонқул Одилов.

Кўзги қўчат экиш жадал

## Сешанба хабарлари

### Янгиликлар, воқеалар, фактлар

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маҳсус кўрсатмаси билан республика Гематология ва қон қўйиш институтининг янги ихтисослаштирилган илмий лаборатория иш бошлади. У камқонлик муаммосининг муҳим томонларини таъқиқ этиш масалаларини билан шуғулланмоқда. Лаборатория гемоглабин дори-дармонлар ёрдамида аёллар ва болаларни даволаш ҳамда профилактика тадбирларини ҳам амалга оширишга киришди. Шу мақсадда муолажа омилларининг комплекс тавсиялари ҳам ишлаб чиқарилади. Марказ ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти билан илмий-амалий алоқаларини йўлга қўйди. Бу эса Қорақалпоғистон Республикасида бу хасталиқнинг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган дастур доирасида йирик тиббий лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради.

### Ихтисослашган лаборатория

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маҳсус кўрсатмаси билан республика Гематология ва қон қўйиш институтининг янги ихтисослаштирилган илмий лаборатория иш бошлади. У камқонлик муаммосининг муҳим томонларини таъқиқ этиш масалаларини билан шуғулланмоқда. Лаборатория гемоглабин дори-дармонлар ёрдамида аёллар ва болаларни даволаш ҳамда профилактика тадбирларини ҳам амалга оширишга киришди. Шу мақсадда муолажа омилларининг комплекс тавсиялари ҳам ишлаб чиқарилади. Марказ ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти билан илмий-амалий алоқаларини йўлга қўйди. Бу эса Қорақалпоғистон Республикасида бу хасталиқнинг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган дастур доирасида йирик тиббий лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради.

### Пойтахтда

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маҳсус кўрсатмаси билан республика Гематология ва қон қўйиш институтининг янги ихтисослаштирилган илмий лаборатория иш бошлади. У камқонлик муаммосининг муҳим томонларини таъқиқ этиш масалаларини билан шуғулланмоқда. Лаборатория гемоглабин дори-дармонлар ёрдамида аёллар ва болаларни даволаш ҳамда профилактика тадбирларини ҳам амалга оширишга киришди. Шу мақсадда муолажа омилларининг комплекс тавсиялари ҳам ишлаб чиқарилади. Марказ ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти билан илмий-амалий алоқаларини йўлга қўйди. Бу эса Қорақалпоғистон Республикасида бу хасталиқнинг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган дастур доирасида йирик тиббий лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

14 ноябр куні Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов олиб борди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясини 2000 йил 14 декабр куні Тошкент шаҳрида чакриқни тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу масала Кенгаш аъзолари томонидан талачанлик билан муҳокама қилиниб, сессия кун тартибига киритилган ҳар бир қонун лойиҳаси ҳамда бошқа ҳужжатлар қўмита ва комиссиялар томонидан маромига етказилиши ва жойлардаги барча депутатларга тез кунларда етказилиши зарурлиги алоҳида қайд этиб ўтилди. Учинчи сессияда биринчи ўқишда маъқулланган ва умумхалқ муҳокамаси учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган қонун лойиҳалари юзасидан келиб тушган таклиф ва мулоҳазалар шуні кўрсатмоқдаки, деб таъкидлади Э.Халилов, кенг жамоатчилик келгусидаги ижтимоий муносабатларимизни тартибга солиб турадиган қонунларимиз замон талабларига мос бўлишини ва тараққиётимизга хизмат қилишини истади. Шу бовседам ҳам лойиҳаларга доир жиддий мазмун касб этган кўтлаб таклифлар қўмита ва комиссияларга ҳанузгача келиб тушмоқда. Афсуски, мамлакатимиздаги мажбур расмий сиёсий партиялар, ҳуусан, парламентдаги партия фракцияларида ана шундай фаоллик, талачанлик деярли сезилмайди. Улар ўртасидаги жонли баҳслар, сессия ҳукмига ҳавола этилаётган ҳужжатлар юзасидан амалий мунозаралар қабул қилинмаж қонунларимизда жиният барча сиёсий қучларининг манфаатларини ифода этиш имконини берган бўлур эди. Кенгаш мажлисида Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясига тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиш мақсадида парламент раисининг ўринбосари Б.Бугров раҳбарлигидаги депутатлар ишчи гуруҳи тузилди.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

### Иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясини чакриқиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ: Иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясини 2000 йил 14 декабр куні Тошкент шаҳрида чакриқилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри, 2000 йил 14 ноябр.

- 1. Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясини муҳокамасига қўйиладиган масалаларни киритиш назарда тутилмоқда;
- 2. Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясини 2001 йилга мўлжалланган Давлат бюджет тўғрисида;
- 3. «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда);
- 4. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда);
- 5. «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда);
- 6. «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда);
- 7. «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасига тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда);
- 8. «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда);
- 9. «Мулофаа тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда);
- 10. «Илмий-техника ахбороти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида;
- 11. «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида;
- 12. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида;
- 13. Бир қатор халққорой шартномалар ва конвенцияларни ратификация қилиш тўғрисида.

Шу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлисининг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда.

## Курраи заминда

### Путин сафарга чиқди

Россия президенти Владимир Путин Осиё давлатлари бўлаб сафарга чиқди. Дастлаб у Мўғулистонда бўлиб, икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш масалаларида музокара ўтказди. Шу кунларда В.Путин Ерўнейга бориб, Осиё-Тинч океани ихтисосий ҳамкорлик ташкилоти саммитида иштирок этишга Россия президенти саммит давомида айрим давлатлар бошқаруви билан урчушлар ўтказишни режаляштирган.

### Ким президент бўлади?

Фларидда ишатилинган федерал суди мулозимлари бугунги кунда қатта воқеа сифатида қараляган президентлик сайловлари натижалари борасида фикр билидир экан, акуний ҳулоса чиқариш учун яна бир неча кун керак бўлишини таъкидлашди. Маълумки, ушбу штатдаги сайлов натижалари аслида кеч эълон қилиниши керак эди. Бироқ президентликка номзодлар Алберт Гор ва кичик Жорж Буш тарафдорлари сайлов волеетлари қалбақлаштирилган десан фикри билдириб, ушбу янги шайхонда ишлаб чиқариш ва ўтказиш талабини илгари сурган эди. Бу ҳақда федерал суд аниқ маълумот бермади. Аммо бу чалкашлар мамлакатда конституций ишқороз евуҷудда келаяпти дегани эмас, деди АҚШнинг собақ давлат котиби Уоррен Кристофер.

### «Қора олтин» кўпадимми?

Саудия Арабистони нефт ва минерал захиралар вазири Али ибн Нуржам ан-Нуайми, Нефит экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) ўзининг Венада келаятган мажлисида қазиб олинаётган «қора олтин» миқдорини қўпайтириш масаласини муҳокама қилмаслигини билдириди. Жаҳон бозоринда нефт қимматлашуви сиёсий сабаблар, яъни Яқин Шарқда вазият кескинлашгани ва АҚШда ўтказилган президент сайлови билан боғлиқ, деди у.

«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.



Кишлоқ ислохотлар йўлида

Чирчиқнинг сўл қирғоғида жойлашган «Обой» ширкат хўжалигининг идорасида шу оқимом аллаҳалгача чироқ ёниб турди. Бошқарув раиси Яхшикели Бимурзаев, бош ҳисобчи Турғунали Сиддиқов, бош иқтисодчи Тошканбой Туракуловлар эринмасдан хўжалик ишларининг дастлабки яқунларини сарҳисоб қилиб чиқмади.

Жўра Саъдуллаев, «Халқ сўзи» мухбири

— Асосий экинлар — галла, помидор, олмазорларимиз мўмай даромад келтирди, — деди ниҳоят раис мамнуният билан. — Лекин, аввало бозор муносабатлари, қолаверса, бу йилги сабоқлар ўйлашни, хўжалик ишларини ташкил этишда янгича иш тутишни тақозо қилаяпти.

миллион 97 минг сўми ташкил этди. Ширкатта 580 киши аъзо бўлди. Умуман, пайчилар 1230 киши бўлиб, 650 киши — пенсионерлар. Пайчилар ўртасида 5 миллион 672 минг сўм миқдордаги маблағ бўлинган. Шофер Яхшилик Бўриевнинг пай жамғармасидаги улуши 69 минг 311 сўмга, техни-

хаммани қувонтирмакда. Бу йил хўжалик 120 гектар майдонда помидор етиштирди. Сўтув ва қайта ишлаш учун 3500 тоннадан ортиқ сара маҳсулот етказиб берилди. «Обой»нинг бу тақрибиси бугун кўпчилигини қизиқтиряпти.

«Обой» ширкат хўжалиги бошқарувининг раиси Яхшикели БИМУРЗАЕВ:

— Қизиқ бир ҳолат: биз помидорни яхлит майдонларга эдик. Механизация востан-

қўриб чиқилаётганида, очиги, илк бор шу йил одамлар ўрта-сида бош кутариб, эркин-экин ўтирдим. Негаки, ҳоким хўжалигимиз шартномавий режими деярли юз тонна ошириб бажарганини бошқарувга намуна қилиб кўрсатди. Давлат оморига 830 тоннадан ошириб сифатли дон топишди.

Бош пудратчи Араббой САЪАЕВ:

— 25 гектар майдонда галла етиштириб, 131 тонна дон топишди. Режадан ортиқча 31 тонна ҳосилини, 15,5 тонна сўт пудратчиларимиз Сафар Раҳматуллаев, Гулаш Саъаева, Садибек Жабборовларга тақдир қилдик. Қолган қисми учун нақд пул билан ҳисоб-китоб қилганимиз. Далаларимизда бошқа экинлардан ҳам мўл ҳосил йиғиб олдик.

Бош иқтисодчи Тошканбой

шаётганимизда раис. — Лекин уни вақтида, сифатли топшира олмаганимиз. Консерва заводлари гоҳ ишлаб-гоҳ ишламайди. Шартномадан гап очсак, умуман ишимиз юришмай қолади. — Бимурзаев адириларга туташиб кетган помидор пайкалига қараб турди-да, қўшиб қўйди. — Либос енгү ёқаси билан мукаммал, кўрмилди. Бугунги мева-сабзавотта иқтисослашган ширкат хўжалиги ўзининг чорроқ консерва заводига эга бўлмаса, енгүсиз қўйлақек гап. Президентимиз қўшма қорхоналар, кичик технологияларни кишлоққа кўпроқ йўналтириш учун жон кўйдиранганлигининг ниҳоятти ҳам шунда. Биз ҳам сармоядор шерик қидираймиз. Тезроқ ўзимиз мева-сабзавотни

ТИКЛАНИШ

Лекин 90-йилларнинг ўрталарида келиб хўжалик «ўтириб» қолди. Бошланган ислохотларнинг моҳияти мукаммал англаб етмаганилиги, ўша пайтларда вилоят ва туманга раҳбарлик қилган айрим «ислохотчилар»нинг манфаатларини ва шомашошарлигини бунинг асосий сабаби бўлди. Хўжаликнинг 400 бош наслдор қорамоли 1995 йили туман раҳбарларининг таъйиқ остида хўжаликка даҳисиз шахсларга арзонгаровга ҳуsusийлаштириб берилди. Етарли шароит бўлса-да, янги мулкдорлар бош-бош қўшишни эълолди олишмади. Икки-уч йилда қорамолларнинг тўғк сони 50 фоизга қисқариб, маҳсулдорлик пасайди.

ка устахонаси соловчиси Ирисали Райқуловнинг улуши — 55 минг 366 сўмга етди. Сабзавотчилик ва галлаларда оила пудратига ўтиш ер ҳақиқий эгаларига тегишига олиб келди. Гулмаҳраш Бектурганова, Гулнара Олтоева, Жамила Қурбонқулова, Дилбар Солиқбоевалар экинлардан мўл ҳосил етиштириб, биринчи йиллик мўмай даромад олишди.

ларидан кенроқ фойдаланишни кўлаб шундай қилдик. Лекин туман ва вилоятдан келувчи капта-кичик текширувчилар пайчиларнинг «чек ери»ни кўрсатиб, деб ҳоли-жонини мизга қўйишмади. Экин яхлит, ҳар қилими жойи ўзига маъмул, десак, бу нотўғри дейишарди, деб туқунтиришарди. Унда экинларни парваришларида қишлоқ хўжалик машиналаридан қандай фойдаланилади? Еки қуниши яна омон билан сўзга қоладики? Бутун орзу умидларимиз, иштишларимиз пучка чиқмайди? Менимча, баъзи идораларда қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни ўзларича талқин қилиш, эскича ишлаш русуми ҳамон кучли.

Тўрақулов: — Билсангиз, 1998 йили 25 миллион 624 минг сўм даромад жамғариб... 1 миллион 950 минг сўм зарар билан яқунлаган эдик. Хўжалигимиз мулкчиликнинг ширкат усулида қайта ташкил этилган 1999 йили эса жами даромадимиз 48 миллион 840 минг сўмга етди. 2 миллион 714 минг сўм фойда кўрдик. Деҳқон ва чорвадорларимиз биринчи мартаба дивидендининг маъносига етдилар.

қайта ишлайдиган қорхона қўриб олмадик, қосамиз оқармайди. Меҳнатни биз қилиб, сархил ҳосил етиштиришимиз, хўзини бошқариб қўриб кетаверадими? Бозор муносабатларидан чиқарган дастлабки асосий сабоғимиз шу. Шу йўлдан бармак, қадимиз тикланади. Меҳнатимиз ҳам қадр топади. Ақс ҳолда рақобатта дош беролмай қоламиз.

— Шундай бир пайтда, 1999 йили таъсис йилгилиги ўтказиб, жамоамизни ширкат хўжалигига айлантирдик, — деди бош ҳисобчи Турғунали Сиддиқов. — Пай жамғармамиз 5

Фаллалчилик ва сабзавотдаги ўзгаришларни айтмайсизми? Озгина силқиш ҳам одамларнинг руҳиятида кўтарилиш юз беришига туртки бўлди. Айтايлик, режа 40 центнер қилиб белгиланган. Биринчи йили пудратчи Сафар Раҳматуллаев режадан 5 центнер ошириб ҳосил олди. Шунинг эвазига натура ва пул ҳисобида қилган бирозгина қўшимча даромад одамларга янгича ишлашга қизиқишни кучайтириб юборди. Бунинг самараси эса

«Обой»да бу йилги яқунлардан пайчиларнинг умиди катта. Қўйчилик ва галлаларда қишлоқ ишончини мустаҳкамлади. Пешма-пеш меҳнатнинг зўри мезаворларга, сабзавот пайкалларига қўнди. Мезаворлар даярли 200 гектарга етиб борди. Давлатта 705 тонна мева топирилди.

— Кўриб турибсиз, ҳали ҳосил сероб, — деди хайрлар

«Сурхонтекстиль»нинг ёрқин йўли



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Table with exchange rates for various currencies including Australia, Austria, and others.

Фармон имкон берди

ХАТО ҚИЛМОҚ БОРДИР...

Кутилмаганда хонага бир йигит кириб келди. — Опа, ҳар кун телевидорда Ватанга хоинлик қилганлар устидан олиб борилаётган суд жараёнини кузатиб келяпмиз. Уларга нафратимиз чексиз. Яна қанча кимсалар жазодан қочиб хор-зор бўлиб юришгани ҳақида ҳам эшитяпмиз, дея сўзини давом эттирди ўзини Алишер деб таништирган йигит. — Менинг бир оғайним бор — исми Бахтиёр. Безорилик билан беш йилга қамалиб кетганди. Амнистия туғайли озодликка чиқди. Ҳатто, «Фаллабанк»дан имтиёзли кредит олиб, чорвачилик фермаси ҳам ташкил этди. Уч-тўрт кишини иш билан таъминлапти ҳам. Илтимос, ўз меҳнати билан таржимаи ҳолидаги қора доғни юваётган йигит ҳақида ёзсангизлар. Токи, Бахтиёрнинг пок ниятлари тоғу тошларда беватан кезаётган, адашган йигитларга таъсир қилиб, ўз ҳаётларини қайтадан бошлашга, маънан покланишга эҳтиёж сезсалар.

ТУЗАТМАСЛИК ОРДИР

Мажуда ХОЛМАТОВА, «Халқ сўзи» мухбири Бахтиёр Президентимизнинг Амнистия туғрисидаги Фармонини кўзда ёш билан ўқиб чиқди. Озодлик ҳавосидан нафас олиш нақадар бахт эканини тўқунликдаги одам теранроқ англайди. Беш йилга озодликдан маҳрум этилган Бахтиёр Йўлдошев икки йил дегаанда Қўқонга — оиласи бағрига қайтди. — Дадажон, энди кетмай-сиз-а?», — жажжи қизалогининг илтижолу нигоҳидан юраги хариқиб кетди. — Ҳеч қачон кетмайман. Энди бирага бўламиз. Бахтиёр иш қидириб бормаган ташкилот қолмади ҳисоб. Қаерга учрамасин бир хил жавоб: «Кейинроқ хабар олинг, янгилик бўлса айта-миз». Бироқ, ҳадеганда «янгилик» булавермади. Бундан етти йил муқаддам сотиб олган «Қурилиш материаллари» дўкони ўрнида чорвачилик фермаси ташкил этиш иштиёқи туғилди. Шу мақсадда, шаҳардаги бир неча банкка муурожаат қилди. Фойдаси бўлмади. Сўнги илмиж билан «Фаллабанк»-

нинг Қўқон бўлимига учрашди. Банк бошқарувчиси унинг чорвачилик билан шуғуллиниш истагини эшитгач, хўжалигини тўғрилашини айтиди. Шароити ўрганилди. Ва ниҳоят, Бахтиёр ўзига ола қараш қилаётган, ишонсизлик ва андак ҳадик билан боқаётган нигоҳлардан халос бўлди. Президентимизнинг Фармони сабаб «Фаллабанк» берган бир миллион сўм имтиёзли кредитга ўн беш бош қорамол, чорва моллари учун озука, ем-хашак сотиб олди. Қариндош-уруғ, дўст-биродарларини хашарга чорлаб, молхоналар, омонроҳона курди. Бахтиёр шаҳар боласи эмасми, чорвачиликка анчайин ўқувсизлиги сезилиб қолди. Бу орада унинг дўстлари берган кўмак қўл келди. Улар Бахтиёр билан ишлаш истагини билдиришди. — Бу уларнинг икки ой ичида бажарган ишлари, — дейди «Фаллабанк»нинг Қўқон бўлими бошқарувчиси вази-фасини бажарувчи Одиҳон Рўзиматов. — Ҳозир Йўлдошев ёнига турт йигитни олди. Демакки, тўрт адашган йигит

ҳаётга қаймоқда. Айни пайтда Президентимизнинг Фармонлари билан авф этилган яна бир йигит — Аҳрор Абдуллаевга ҳам имтиёзли кредит бериш масаласи ўрганиб чиқилапти. Бу ишларнинг барчаси шаҳар ҳокимлиги билан бамааслаҳат амалга оширилмоқда. Биз банк иши билан ҳам қизиқдик. «Фаллабанк» республикамиз Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислох қилиш борасидаги чора-тадбирлари туғрисида»-ги Фармонига биноан омонатчилардан ташаётган маблағлар ҳисобидан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш истагидаги тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратмоқда. Биргина шу йилнинг сўнгги олти ойи давомида бўш маблағлар ва омонатчилар маблағлари ҳисобидан ўн саккиз миллион сўмга яқин имтиёзли кредитлар берилди. «Хўқанд-Исроил» қўшма қорхонасига ажратилган кредит сабаб, ҳозир шаҳарда «Хўқанд» маъданли суви ишлаб чиқарилаётди. 30 дан зиёд виллар эса доимий иш

ўринларига эга бўлишди. Шунингдек, Х. Абдуллаев, М. Маҳмудовларга берилган кредитлар ҳам чорва молларини кўлайитириш, халқимиз дастурхонини тўқин қилишга хизмат қилмоқда. — Сиз ҳам Бахтиёрга кредит бермаслигиниз мумкинми? — сўрайман «Фаллабанк» бошқарувчисидан. — Ҳуртобимиз авф этган инсонни биз нега четга суришимиз керак. Қандайдир сабаб билан адашган кишиларни қўллаб, йўл-йўриқ кўрсатсак, уларнинг ҳалол меҳнат билан покланишларига имкон қратган бўламиз. Дарҳақиқат, инсон ҳаётда яхши яшашга, фаровон ҳаёт кечиршига имкон қидиради. Ҳўқийди, изланади. Баъзан

TOHKENT KИMЁ-TEKHOЛOГИЯ ИHCTИTУТИ
ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ЛАВОЗИМЛАРИГА БИТИМ АСОСИДА
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
КАФЕДРА МУДИРЛАРИ:
ПРОФЕССОРЛАР:
ДОЦЕНТЛАР:
КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР:
АССИСТЕНТЛАР:
ЎҚИТУВЧИЛАР:
Ўзбек ва рус тиллар - 3; Чет тиллар - 8.
Телефон 144-79-17.

Қилмиш-қидирмиш

Сўнгги пушаймон...

«Сўнгги пушаймон — ўзинга душман», деган маънога Тожикистон республикасининг Турсунода туманида яшовчи 5 нафар фарзанднинг онаси Лутфия Ҳасанова яна бир бор амин бўлиб турган бўлса ажаб эмас. У қўшни давлатдан мамақалитинга райиронуний тарзда, яъни айланма йўлаар орқали ўтиб келиб, дастлабки жиноятта қўл урган бўлса, навбатдаги жиноятти эса унинг боюмлари ва кийимлари қўздан кечин

ригагач, маълум бўлди. Узун тумани чегара худудида ўз хизмат фаолиятини олиб бораётган мадаҳла посбонлари Г. Ҳасанова, С. Азизова, М. Нурматов ва Х. Мусурмоновнинг хўшерликлари тўғрй-лай юртимизга гаразли инят билан келаятган бу аёл тўхта-тиб, қўлидаги юкхалтаси ва кийим-кечаги қўздан кечини-ригагачда белига бораанган рўмода ва нозик жойида

553 грамм 100 миллиграмдан иборат бўлган «героин» гўбжандлик моддасини олиб келаятгани ошкор бўлди. Айни пайтда «мезом»нинг ушбу гўбжанд моддасини қимдан ва нима мақсадда олганлигини, аниқлаш мақсадида суриштирув ишлари олиб борилямоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти дивонига жамоаси масъул ҳодим Бахтиёр Абдурахмоновга онаси Ментор момо ЯҲЎЕВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этди.
Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси вазирлигининг маданият, фан ва туризм соҳасида халқаро ҳамкорлик бошқармаси боғлиғи ўринбосари Аҳад Абдуваҳидов вақолидаги муҳтарамаси Қўлархон ая МАМА-ЖОНОВАнинг вафоти этганини муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси вазирлигининг Термиздаги консуллик бўлими мудири Бахтиёр Менглиева падали бузрукчи Қўлар МЕНГЛИЕВнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этди.
«Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бириламаси жамоаси Физика-қуёш институти лаборатория мудири, физика-математика фанлари доктори К. Олимовга волидан-муҳтарамаси Навботой ая СОБИРОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент фармацевтика институтини раҳбарияти ва жамоаси институтнинг «Иқтисодий фанлари» курси катта ўқитувчиси Парвот ҲАКИМОВАнинг бевақт вафот этганини муносабати билан марҳумнинг она аъзоларига ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этди.
Тошкент Давлат аграр университети ректорати ва жамоаси университет катта ўқитувчиси Хўвадудила ИСЛОМОВнинг фожали вафоти муносабати билан қариндош ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

С. АБДУВЎХИДОВ, милиция капитани.

